



АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТЕРГОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Суюнов Шахзодбек Шовкатович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Тергов фаолияти” кафедраси ўқитувчиси

Сулейманов Санжар Алишер ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-ўқув курси 321-гурух курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф ахборот хавфсизлигига қарши жиноятлар терловини ташкил этишни такомиллаштиришни, ахборот хавфсизлигига оид халқаро хуқуқий ҳужжатларда келтирилган моддаларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан моддаларни кўрсатиб ўтган.

Калит сўзлар: ахборот хавфсизлиги, кибекхужум, кибкрамон, ахборотни муҳофаза қилиш, халқаро тажриба, конвенция, битим.

АННОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор показал совершенствование организации расследования преступлений против информационной безопасности, положения международно-правовых документов по информационной безопасности, положения законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: информационная безопасность, кибератака, кибератака, защита информации, международный опыт, конвенция, соглашение.

ANNOTATION

Through this article, the author has shown the improvement of the organization of the investigation of crimes against information security, the provisions of the international legal documents on information security, the provisions of the legislation of the Republic of Uzbekistan.

Key words: information security, cyber attack, cyber attack, information protection, international experience, convention, agreement.

2000 йил 22 июль қуни “Катта Саккизлик” мамлакатлари раҳбарлари саммитида қабул қилинган “Глобал ахборот жамиятининг Окинава хартияси” халқаро ҳамжамиятнинг келажақдаги ривожланиш моделини аниқ белгилаб,



“ахборот-коммуникация технологиялари 21-аср жамияти шаклланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири” эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, илмий-техник тараққиёт нафақат турли хил тарихларга, маданиятларга ва ривожланиш даражаларига эга халқларнинг яқинлашишига, балки жиноятлар учун чегаралар йўқолишига олиб келган глобаллашув жараёнини тезлаштириди. Натижада жиноятлар уларнинг аниқланиши ва олдини олиш жараёнини мураккаблаштирган трансмиллийлик хусусиятига эга бўлди.

Бош ассамблеяниң 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25 резолюцияси билан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси қўйидаги шартларда **жиноят трансмиллий хусусиятга эга** эканлигини белгилайди (3-модда):

- бирдан кўп давлатларда содир этилган бўлса;

- бир давлатда содир этилган, аммо уни тайёрлаш, режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилишнинг муҳим қисми бошқа давлатда амалга оширилади;

- битта давлатда содир этилган бўлса-да, лекин бир нечта давлатда ўзининг жиноий фаолиятини амалга оширадиган уюшган жиноий гурух иштирокида содир этилса;

- битта давлатда содир этилган бўлса, лекин унинг жиддий оқибатлари бошқа давлатга таъсир этса.

Натижада, гиёҳванд моддалар савдоси ва трансмиллий уюшган жиноятчилик каби глобал таҳдидлар билан бир қаторда, кибержиноятчиликка қарши қуаш муаммолари халқаро келишувларни ишлаб чиқиши орқали глобал чораларни қабул қилишни талаб этди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 592-моддаси, шунингдек, жиноий иш юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширишда ўзаро келишув тамойилига содикликни ҳам кўзда тутади.

Трансмиллий жиноятларга, шу жумладан, кибержиноятларга қарши қуаш соҳасидаги кенг қамровли ва универсал хужжатлардан бири — **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг** 2000 йил 15 ноябряда қабул қилинган **Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси** (Палермо Конвенцияси).

Ушбу Конвенцияга мувофиқ “Иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенцияда кўзда тутилган жиноятларга қарши қуаш бўйича ҳукуқни муҳофаза қилиш чораларининг самарадорлигини ошириш учун ўзларининг ички ҳукуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ равишда бир-бири билан яқиндан ҳамкорлик қилишади”. Ҳар бир иштирокчи давлат, хусусан, қуйидагиларга қаратилган самарали чораларни кўради:

- бундай жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг шахси, жойлашган ўрни ва фаолиятини ёки бошқа даҳлдор шахсларнинг жойлашган ўрни;
- бундай жиноятлардан ёки бундай жиноятлар натижасида олинган молмулқдан олинган даромадлар ҳаракати;
- бундай жиноятлар содир этишда фойдаланилган ёки ишлатилиши мўлжалланган мулк, асбоб-ускуналар ёки бошқа воситаларнинг ҳаракатланиши.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида” ги 2003 йил 30 августдаги 536-II-сонли қарори билан ратификация қилди.

Ушбу Конвенция давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси сифатида қўлланилиши мумкин, агар жиноят:

- трансмиллий характерга эга (белгилари юқорида тавсифланган) ва уюшган жиноий гуруҳ иштирокида содир этилган бўлса;
- камида 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланса;
- Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларида аниқ кўрсатилган бўлса (жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция ва адолатга тўскىнлик қилиш билан боғлиқ жиноятларга тегишли).

Кибержиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилиш масаласини тартиба солувчи ихтисослаштирилган хужжатлардан бири — бу **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасида жиноятларга қарши курашиш бўйича Битим** (2018 йил 28 сентябрь).

Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Молдова Республикаси, Тоҷикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина — ушбу Битим қатнашчилари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.02.2019 йилдаги ПҚ-4188сонли қарори билан 2018 йил 28 сентябрда МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни тасдиқлади. Ушбу Битимни амалга ошириш бўйича ваколатли органлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси белгиланди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. БМТнинг 1945 йилдаги Низоми. Электрон манба:
<https://www.un.org/ru/charter-unitednations/index.html>;
2. “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўйича ҳамкорлиги тўғрисида”ти Битим, 3-моддаси.
3. Учебное пособие «Международные основы и стандарты информационной безопасности финансово-экономических систем» под изд. Юлии Бекетновой, Григория Крылова, Светланы Ларионовой. Издательство Litres, февраль 2020 г.

